



## HAYOT DAVOMIDA TA'LIM Olish: YANGI PARADIGMALAR VA KUTILADIGAN NATIJALAR

FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776

**Тўраев Муҳаммади Раҳимович**

*СамДУ Каттақўрғон филиали илмий ишлар ва инновациялар бўйича директор  
ўринбосари, ф.-м.ф.н.*

### КЕЛЖАГИМИЗ ЁШЛАР ҚЎЛИДА!

#### Аннотация

Ушбу мақолада ёшларнинг сифатли таълим олишлари ва уларга тўғри йўналиш бериш, коррупциясиз жамият яратиш, ота-оналарнинг фарзанд келажигига бефарқлигининг олдини олишга эришиш каби масалаларни бирдамлик ва ҳамжиҳатликда ҳал қилиш, фарзанд тарбиясига ҳар бир инсоннинг масъулият билан ёндашиши зарурлиги ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: Коррупцияга қарши курашиш, ёшлар тарбияси, коррупциясиз жамият, юртимиз равнақи, миллатимиз ғурури, дунё ҳамжамияти.

Ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган ислохотлар, қабул қилинаётган қарорлар ва қонунларнинг аксарият қисми келажакимиз бўлган ёшларнинг сифатли таълим олишлари ва уларга тўғри йўналиш бериш масалалари билан боғлиқ.

2017 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги ЎРҚ-419-сонли Қонун қабул қилинди. Қонун 6 боб 34 моддадан иборат бўлиб, жамиятни коррупциядан тозалаш учун ҳар бир соҳада коррупцияга қарши курашиш ваколатлари белгилаб берилган. Қонуннинг 3 боб 16-моддасида



давлат органлари ва бошқа ташкилотлар коррупцияга қарши курашиш мақсадида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш бўйича зарур чора-тадбирлар кўриши, шу жумладан коррупцияга қарши курашиш масалаларига доир тушунтириш ишларини амалга ошириш, ҳуқуқий тарбия ва таълимни, илмий-амалий тадбирларни ташкил этиш, ўқув-услубий ва илмий адабиётларни ишлаб чиқиш йўли билан зарур чора-тадбирлар кўриши белгилаб берилган бўлса, 18-моддасида таълим муассасалари коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларини инобатга олган ҳолда таълим муассасаларида ҳуқуқий таълим ва тарбияга, мутахассисларни касбий тайёрлашнинг сифатини оширишга, таълим дастурларини доимий равишда такомиллаштириб боришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиши тўғрисида таъкидланади. Шундан келиб чиққан ҳолда фарзандларимизнинг коррупциясиз таълим олишлари учун барча шароитларни яратиб беришимиз зарур. Чунки юртимиз равнақи, миллатимиз ғурури ва шарафи, унинг дунё ҳамжамиятида тутган ўрни, фарзандларимиз дунёқараши кенглиги, улар орасидан таниқли олимлар етишиб чиқиши, соҳаларда етук мутахассислар пайдо бўлиши, санъат ва спортда эгаллаган ўринлари айнан коррупциясиз таълимга боғлиқдир.

Коррупция ёшларимиз учун уларнинг миллат сифатида келажакнинг асосий тўсқинидир. Фарзандларимиз, биринчи навбатда, ватанга хиёнат қилаётган порахўр амалдорларни таъқиб этишлари, уларга аёвсиз ва муросасиз муносабатда бўлишлари, порахўрларни юрт хоинлари деб тушунишлари шарт. Порахўрлик илдизи билан ва порахўрлар уруғ-аймоғи билан йўқ қилинмас экан ривожланиш бўлмайди, бу “икки карра икки - баробар тўрт” каби яққол ва аниқдир.

Президентимиз Ш.Мирзиёев айтганларидек, ёш авлод ўқитувчиларни улуғлашлари, уларни мухтарам зотлар деб билишлари шарт, шунда бу касбга қизиқиш ортади, олижаноб, ўз соҳасининг “профессор”лари кўпаяди, улар ўқитган фарзандларимиз жаҳонга танилади.

Ёшларимиз ўқишлари, ишлашлари ва яна ишлашлари, шу билан бирга, бинобарин, доврўғи кетган юртда даврон суришлари, ўзга миллатлар билан тотувликда ва фаровон яшашлари, дунёнинг инсон учун буюк неъмат ҳам нафосат ва ажойиботлигини кўришлари, англаб етишлари, буни ҳаёт тарзига айлантиришлари зарур.

Булардан ташқари, олдимизда яна бир вазифа турибди. Бу ҳам бўлса, айрим фуқароларнинг юрт равнақига, баъзи ота-оналарнинг фарзанд келажакига бефарқлигининг олдини олишга эришишдир. Буни халқимизга, ота-оналарга ушбу масалани, ҳар қандай йўл билан бўлсада тушунтириш, улар онгига етказишимиз шарт ва албатта, ўзимиз ўзимизни алдашни тўхтатишимиз зарурдир.

Юқорида келтирилган фикрларга таяниб иш кўрмасак, юрт равнақи ва иқтисодиёт ривожини борасида ҳеч қандай ўзгариш бўлмайди.



Буларни амалга ошириш учун ҳамжиҳатликда ҳаракат қилишимиз, ёш авлод онгига соғлом ғояларни сингдириб боришимиз керак. Бинобарин, ўзбек халқида мақол бор: “Олтовлон ола бўлса оғзидагин олдира, тўртовлон тугал бўлса тепадагин эндира”.

Зеро, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, «ҳамма ислохотларни, ҳамма ҳаракатларни жамият билан бирга қиламиз. Ҳаммамиз бир куч, бир қудрат бўлиб халқимизга хизмат қилишимиз керак».

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг қонуни. “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”.

2. “Ўзбек халқ мақоллари”. Тошкент. Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1989.